

Шайх Абдулбосит Абдуссамад: «Ҳеч кимга зулм қилма! Аллоҳдан қўрқ»



11:00 / 27.06.2021 2835

Қироат таъсирининг сирини

Абдулбосит қори раҳимаҳуллоҳдан «Қироатингиз барчага бирдек таъсирли бўлишининг сирини нимада?» деб сўрашганида, у киши: «Бу тиловат Аллоҳ розилиғи учун қилинади. Агар инсон Қуръонни чин қалбдан, Аллоҳнинг розилиғини кўзлаб, У зотга ихлос билан ўқийдиган бўлса, ўша қироат қалбга етиб боради, қалбни тўлдиради ва ёриштиради. Натижада, ўша қалб соҳиби, яъни тингловчи бу қироатдан таъсирланади» деб жавоб берган эканлар.

«11 та юлдуз»

Шайх Абдулбосит Абдуссамад 19 ёшларида амакиларининг 17 ёшли қизига уйландилар (Шариат бўйича амакининг қизи номаҳрам, шу боис унга уйланса бўлади). Мазкура аёл эрини қаттиқ рашк қиларди. Чунки, улўф қорига турмушга чиқиш истагидаги аёл-қизлар жуда кўп эди.

Шайх Абдулбосит аёллари билан бахтли ҳаёт кечириб, ундан 11 нафар фарзанд кўрдилар. У киши фарзандларини «11 та юлдуз» деб аташни яхши кўрардилар. Фарзандларининг 4 таси қиз, 7 таси ўғил эди. Барчалари

Қуръонни тажвиди билан тўлиқ ёд олишган.

Фарзандларидан фақат иккитаси — Ториқ билан Ёсир Қуръон қироати орқали танилдилар. Аслида Ториқ ички ишлар вазирлигида офицер бўлиб хизмат қилса-да, Қуръонни тиловат қилиш учун турли маросимларга ташриф буюриб туради. Ёсир эса отаси каби ҳаётини Қуръон тиловатига бағишлаган. Қолганлари турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар.

«Ростгўйлик»

Абдулбосит қорининг ўғли Ёсир Абдуссамад айтган: «Отамдан ўрганган муҳим нарсаларимдан бири — ростгўйликдир».

«Эй Аллоҳ, бизни золимлардан қилиб қўймагин!»

Ториқ Абдуссамад оталарини хотирлаб дейди: «Ўқишни битирганимда отам шундай гапларни айтдиларки, уларни унутганим йўқ. Ўқишни тамомлаганимда у киши жуда хурсанд бўлдилар ва: «Роббимиз Аллоҳга ҳамд бўлсинки, У сени ўзинг орзу қилган нарсага эриштирди. Мана сен зобит бўлдинг. Ҳеч кимга зулм қилма! Иш қилаётганимда Аллоҳдан кўрқ! Доим виждонингни назорат қил! Ўзингни ҳар куни тафтиш қилиб тур!».

Бу гаплар қулоғимда ҳали ҳам жаранглайди. Отам раҳимахуллоҳ таърифлаб бўлмас даражада зулм қилиб қўйишдан кўрқардилар ва дуоларида доим «Эй Аллоҳ, бизни золимлардан қилиб қўймагин!» деб такрорлардилар. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, у кишига берган аҳдимга ҳали ҳам содиқман. Отам бизни ўзимиз қизиққан касб бўйича илм олишимизга шароит қилиб бериш билан бирга Қуръонни ёд олишимизга ҳам ҳарис эдилар ва буни назорат қилардилар».

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади